

Салма ифтидорлиги билан сўз-таъминотнинг  
ТВС - стандартли кўрсаткичи.

ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН  
Фойдаланиш Тўғрисида  
ШАРТНОМА

20 22 йил " 5 - июль 1693 -сонли РЧ-1  
(ҳудуд نامи)

"TOSHISSIQUVVATT" ДУК (bundan кейин "Иссиқлик таъминоти корхонаси" деб  
қўйилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари \_\_\_\_\_

Каримов Б.Х. бир томондан,  
(фамилия, исми, шарифи)

и Ташкент Виллолар мувофиқ театр  
(корхона номи) «Истеъмолчи»  
мувофиқ

деб юриштилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари \_\_\_\_\_  
директор И.С. Курбанова иккинчи томондан,  
(фамилия, исми, шарифи)

қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик  
энергиясини етказиб беришни. "Истеъмолчи" эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун ҳақ  
тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Томонлар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22  
август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш  
қоидалари" га мувофиқ амал қиладилар.

1.3. Шартноманинг умумий миқдори \* 37499216.35  
сўми ташкил қилади.

Шу жумладан, 37499216.35 сўм

бюджет маблағларидан, \_\_\_\_\_ сўм

бюджетдан ташқари маблағлардан \_\_\_\_\_

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ.

2.1. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи" га 31 12 кунидан  
20 22 й " 31 " 12 кунигача бўлган даврда 31 12 кун/соат энг кагга иссиқлик юкмаси  
биноан иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур. Бунда:

а) хоналарни иситишга 0,14 Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати -14 град С бўлганда;

б) шамоллатишга 0,209 Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати - град С бўлганда;

в) иссиқ сув таъминоти учун 0,018 Гкал/с;

г) технологик эҳтиёжлар учун - Гкал/с;

2.2. "Истеъмолчи"га иситиш ва шамоллатиш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан  
бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи мухитнинг ҳароратига қараб белгиланади, ишлаб чиқариш  
ва иссиқ сув таъминоти максаллари учун эса "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилади ва "Иссиқлик  
таъминоти корхонаси" билан келишилган бир суткалик истеъмол ҳадвалига асосан белгиланади ва йил  
чорақлари бўйича қуйидагича бўлинади:

\*Изоҳ: бюджет таъкилотлари сарф-ҳаражатларининг йиллик сметаси тегишли маля  
идораларида рўйхатдан ўтказилгунича шартнома миқдори ва қиймати бюджет таъкилотларининг  
вақтинчалик ҳаражатлар сметасига биноан кўрсатилади.

вер. экз. Аташарова Ш.С. -

Давр	Иссиқлик энергиясининг миқдори Г кал			Жами узатиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Г кал	Бир суткалик узатиладиган иссиқлик энергиянинг миқдори Г кал
	Технологик эҳтиёжлар	Иситиш ва шамоллатиш учун	Иссиқ сув таъминоти		
1	2	3	4	5	6
I-чорак					
Январь					
Февраль					
Март					
II- чорак					
Апрель					
Май					
Июнь					
III- чорак					
Июль					
Август					
Сентябрь					
IV- чорак					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					
Жами:					

2.3. Ҳарорат жадвалига мувофиқ фарқ қилиши  $\pm 3\%$  дан кўп бўлмаган ташқи ҳаво ҳароратига нисбатан иссиқлик манбалари коллекторларидан берилётган тармок сувининг ўртача суткалик ҳароратини ушлаб туриш; *8 илгарилик 150° Ҳаво*

2.4. "Истеъмолчи" куйидагиларга риоя этилади:

- а) тармок суви сарфининг ҳисоблаб чиқилган миқдори *4,66250* м<sup>3</sup>/соатдан ошмаслиги;  
 б) иссиқлик тармоғидан олинадиган сувнинг энг катта миқдори *5,08402* м<sup>3</sup>/соат;  
 в) тармокдан сизиб чиқадиغان (йўқотиладиган) сувнинг меъдори *2,20562* м<sup>3</sup>/соатдан кўп бўлмаслиги;  
 г) қайтиш тармоғидаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати жадвалидаги миқдорга нисбатан 3°С дан юқори бўлмаслиги.

Тармокдан олинадиган сувнинг энг катта миқдори "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан рoстлагич (регулятор) ёки сурилма қопқок ёрдамида белгиланади. Элеватордаги торайтирувчи қурилмаларни алмаштириш "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2.5. "Истеъмолчи"нинг қайтиш магистраль тармоғидаги сув босими, маҳаллий тизимни тўлиқ тўлдирилишини таъминлаши лoзим, ақс ҳолда "Истеъмолчи" иссиқлик қирувчи қувурда рoстлагич (регулятор) ўрнатади.

### III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. "Истеъмолчи"га етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқ-дори 114 да  
(ўрнатилган жoси)

ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг Ҳисобтоҳ - 3 И.000503  
(ҳисоблагич тури, номи, рақами)

кўрсаткичлари бўйича аниқланади. 200.000000 руб. 18.10.2022

3.3. "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади. "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилганидан кейин шартнома асосида "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.4. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса – ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сонини бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир, бу ҳолда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини, ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармоғини унинг бузортманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

"Истеъмолчи"дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

3.7. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса, иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.10. "Истеъмолчи" ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 15-31-санагача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га тақдим этади.

"Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақида"ги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ҳисоб-китобини шартномадаги иссиқлик юкласини бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, соғ ҳолатдаги ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблагичларнинг

кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатишган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжатга бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборлари нинг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

“Иссиқлик таъминоти корхонаси” истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобини ўрнатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади. Ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб “Истеъмолчи”га топширади.

Шу билан бир вақтда “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали “Истеъмолчи”нинг ҳисоб рақамидан ақсиз равишда ечиб олиши учун ҳисобот ойнага ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

Истеъмолчи ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг 15% фойз (фойзи кўрсатилган)

миқдорда тариф бўйича қонуқчилик билан ўрнатилган тартибда олдидан тўловни амалга оширади.

3.11. “Истеъмолчи” томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда “Истеъмолчи” бир ҳафта муддатда бу ҳақда “Иссиқлик таъминоти корхонаси”га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини тешириш тўғрисида ариза берилиши “Истеъмолчи” ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловини белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Узатишган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” Иссиқлик таъминоти корхонаси”га 1 Гкал учун 76.2497,03 сум тарифи бўйича тўлайди. (тархи)

3.13. Тўлик етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти “Иссиқлик таъминоти корхонаси” диспетчерлик хизматининг оператив лойиҳадаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

“Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг айби билан “Истеъмолчи”нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган суткадан олдинга 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда “Иссиқлик таъминоти корхонаси” охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, “Истеъмолчи”нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тулов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. “Истеъмолчи”ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40° – 45 °С ҳароратдаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фойзли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойдан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкласини ўзгартириш “Истеъмолчи”нинг буюргмасига кўра “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

#### IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик;

иссиқ сув етказиб бериш бўйича;

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фойздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича – 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) "Иссиклик энергиясидан фойдаланиш" коидаларига талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрларни "Иссиқлик таъминоти корхонаси" нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш Ушбу ҳолда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдида жавоб беради.

#### 4.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ЎзБ.Респ. қонуллариға, "Иссиқлик фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш коидалари"ға, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш коидалари"ға, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси коидалари"ға ҳамда "Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш коидалари"ға қатъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш;

в) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномавий мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олиниши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишиш;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўқиш учун жумраклар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани "Иссиқлик таъминоти корхонаси" нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш Плombаларни олиш "Иссиқлик таъминотини корхонаси"нинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим;

и) "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кўздан кечиришни таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан нооқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилишиға, материаллар тахланишиға, дарахтлар ўтказилишиға йўл қўймаслик;

м) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларини қайта жиҳозлашға йўл қўймаслик;

н) иситиш приборларининг кўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишиға ва чиқариб олинишиға йўл қўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланишиға (иситиш тизимлари ва приборларидан сув окизилишиға) йўл қўймаслик;

п) "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вакилларини ўз ҳудудиға киритиш лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро қизмалари ва паспортлариға ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномалариға эға бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик кўрган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқариладиган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигиға, иссиқлик энергияси сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларға риоя этилишини назорат қилиш;

#### 4.3. "Иссиқлик таъминоти корхонасининг" ҳуқуқлари.

4.3.1 "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қуйидаги ҳолларда "Истеъмолчи"ни огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқиға эға;

а) иссиқлик энергияси учун тулов хужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўлашмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тулов амалга оширилмаганда;

б) субистемолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари "Ўздавэнергоназорат" ДИ руҳсатсиз ишга тушурилганда;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари қисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

д) иссиқлик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сифининг миқдори "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг розилигисиз оширилганда;

е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олинмаган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" вакиллари иссиқлик энергиясини қисобга олиш приборларини қўришга қўйилмаганда.

4.3.2. Усуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги "Истеъмолчи"ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" "Истеъмолчи"ни узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

"Истеъмолчи"ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтагилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (хунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда "Истеъмолчи" иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга.

Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, шунинг билан, бу ҳақда узиб қўйишдан каминда 24 соат олдин "Истеъмолчи"ни огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

4.3.3. Авариянинг олдини олиш ёки баргараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш учун "Иссиқлик таъминоти қорхонаси", узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, "Истеъмолчи"га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

4.4. "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" қуйидагиларга мажбур:

а) шартномага мувофиқ "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) "Истеъмолчи"да "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини қисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўғрилиги бўйича шубҳа туғилмаган бўлса, "Иссиқлик таъминоти қорхонаси", белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида "Истеъмолчи" вакиллари иссиқлик энергиясини қисобга олиш приборларини кўздан кечиришини таъминлаши лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича 3 фоздан ортиқ (+-);

сув босими бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда – 20 кПа дан ортиқ (+-) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметралр ўргача суткалик миқдори сифатида қисобга олинади;

г) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеъмолчи"нинг вакили иштирокида "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметралрини шартномадаги қийматларига нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда қўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик қисоб-китобига мувофиқ "Истеъмолчи"нинг иссиқлик боллавлари учун торайтирувчи қурилмаларнинг ўлчами (размер служающего устройства) белгилаб берилади.

## V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Иссиқлик энергияси билан таъминлашда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан таъриффуслар юз берган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги таъриффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилмаган моддий зарарни қоплайди.

5.2 Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг асосий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3 Агар етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати буйича стандартлар, техник шартлар, қонуни ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга ҳақлидир.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ун кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га ўтказилган зарарни қоплаш ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатини тўлаши, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли қурбинидан етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

5.6 Иссиқлик истеъмоли объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши буйича жавобгарлик чегаралари "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс буйича мансублиги бўлиши ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (1 илова).

5.7 "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иситиш тизими ёқилганида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, ҳиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.8 Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уданиш ёхуд улардан фойдаланиш қопдаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувини ҳисобга олиш асбобларига касалдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини унгартириш мақсадига уларга ташқаридан аралашни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилишидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup> -моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

## VI. ФОРС –МАЖОР

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортишмайдилар.

а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" усуқналарининг ишдан чиқилишига сабаб бўлган табиий ҳолатлар: момақалдирок, бурон, сув тоққини, зенгизла, елнинг 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалантириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 1°C га ва ундан ортиқ

паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонланиши ҳолатларида;

б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг яродаси ва фаолиятлариغا боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, қучки, бўрон, қургокчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шaroитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бермайдиган ҳақулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва ҳутилмаган ҳолатларда;

6.21. “Иссиқлик таъминоти қорхонаси” тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг ҳафсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўт мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

## **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга кириди ва 5 декабр 2022 йилдан, 31.12. 2022 йилгача амал қилади.

Амал қилиш муддати тугашидан олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусخада тузилади, улардан биттаси “Иссиқлик таъминоти қорхонаси” да, иккинчиси эса “Истеъмолчи” да сақланади.

## **VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий ва Фуқаролик суди томонидан ҳал қилинади.

## **IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР**

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмаслик қисми бўлиб ҳисобланади.

а) “Иссиқлик таъминоти қорхонаси” ва “Истеъмолчи” ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансида мансублиги бўйича бўлиши чегараларини белгилаш даволатномаси (1-илова);

б) “Истеъмолчи”нинг ваколатлидан маъсул шахсни таъинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова);

в) “Истеъмолчи” объеклари ва иссиқлик юқламалари ўрнашган жойлари (локацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) “Истеъмолчи” талқи иссиқлик таъминотининг иррадиация схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак

д) Иссиқлик учун узайиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали

\* ИЗОХ: Бюджет ташкилотлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат боши ҳиндаси тахрирда баён этилган: “Мазкур Шартнома 20 22 йилин, 31 декабр, гача амал қилади”





**“Истеъмолчи” ва “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ўртасида иссиқлик тармоқларининг  
 баъзисга мансублиги бўйича бўлиниш чегарасини белгилаш  
 ДА ЛОЛАТНОМАСИ**

2022 йил “5” ойнинг аввал

1693 -сон

Тошкент шаҳри

Биз куйида имзъланган чекувчилар “Иссиқлик таъминоти корхонаси” вакили \_\_\_\_\_ ва “Истеъмолчи” вакили \_\_\_\_\_

«Истеъмолчи» объектларининг \_\_\_\_\_ ва «Истеъмолчи» объектларининг \_\_\_\_\_  
 (Истеъмолчининг объекти номи)

Кўрсатишнинг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги ёпиш арматуралари “Истеъмолчи” тасарруфида бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсаткилади.

Т/р	Объектнинг манзили	Объектнинг манзил рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегараси
1	Истеъмолчи	32	№8 Б-7 ТР-3
			Кўрсатишнинг объекти
			Тўқиб олиш
			Бўлиниш чегараси
			На объектида объекти
			№ - 100 объект, 2-б. н. н.


Иссиқлик таъминоти тизимларига иссиқлик ташувчи йўналишида \_\_\_\_\_ гача

(ташувчи рақами)

“Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса “Истеъмолчи” томонидан хизмат кўрсатилади ва таъмирланади.

“Иссиқлик таъминоти корхонаси”  
 Туман бошқармаси бошлиғи

Арифжанов  
 (Ф.И.Ш.)



“Истеъмолчи”нинг ходими

И.О. Курбанова  
 (Ф.И.Ш.)

И.П.  
 (ИМЗО)

ПТО -

“Истеъмолчи”нинг ваколатланган маъсул шахси  
тайинлаш аслиги тўғрисидаги  
ИШОНЧНОМА

20 11 йил “5” Июль 1993 -сон Тошкент шаҳри

“Истеъмолчи” Тошкент вилоятидаги “Машҳад” музика театри  
(корхона номи)

Ўзининг 20 \_\_\_ йил \_\_\_ \_\_\_ даги \_\_\_ -сонли буйруғи билан “Иссиқлик таъминоти  
корхонаси” билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тўхтатиш билан боғлиқ  
булган турли хилдаги масалаларни келишиш учун ваколатланган маъсул шахс этиб \_\_\_  
ни тайинлайди.

(жаавобгар шахснинг Ф.И.Ш.)

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони

Тошкент, Матбуотчилик йўли 3А

“Истеъмолчи” нинг раҳбари

Н.С. Суфьянова  
(Ф.И.Ш.)



Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича  
**ХИСОБОТ**

20 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой учун

Курсаткичдан олинган кун 20 \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Т/р	
	Хисоблагич тур (хисоблагич номи тури завод рақами)
	Тармоққа узатилаётган сувнинг сарфи тн.
	Тармоқдан қайтаётган сувнинг сарфи тн.
	Тармоққа узатилаётган сувнинг ҳарорати t
	Тармоқдан қайтаётган сувнинг ҳарорати t
	Бирламчи (исходной) сувнинг ҳарорати t
	Иситишга ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал
	Иссиқ сув таъминоти учун ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал
	Жами ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал

“Иссиқлик таъминоти корхонаси”  
туман бошқармаси бошлиғи \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

(Имзо)

“Истеъмолчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

(Имзо)

